

**Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини
мажбурий суғурта қилиш бўйича Е-полисни (электрон полисни)
онлайн расмийлаштириш шартлари юзасидан
ОММАВИЙ ОФЕРТА**

Ушбу оммавий оферта (бундан буён матнда оферта деб юритилади) _____ (бундан буён матнда Суғурталовчи деб юритилади) билан Суғурта қилдирувчи ўртасида транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш (бундан буён матнда ТВЭФЖМСҚ деб юритилади) бўйича Е-полисни (электрон полисни) онлайн расмийлаштириш (шартнома тузиш, ўзгартиш киритиш ва бекор қилиш) тартиблари ва суғурталаш шартларини белгилайди.

Мазкур оферта Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, «Электрон тижорат тўғрисида»ги, «Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида»ги, «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 декабрдаги 780-сонли қарори билан тасдиқланган «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича Е-полисни сотиш, расмийлаштириш ва уларнинг ҳақиқийлигини текшириш қоидалари» ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 июндаги 141-сонли қарори билан тасдиқланган «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш қоидалари» асосида ишлаб чиқилган.

I. Умумий шартлар ва тушунчалар

1. Ушбу офертада қуйидаги тушунчалардан фойдаланилади:

Е-полис – транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича электрон шаклда тузилган суғурта шартномаси;

суғурта ҳодисаси – транспорт воситасидан фойдаланишда жабрланувчининг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига зарар етказилганлиги учун жавобгарлиги Е-полис бўйича суғурта қилинган Суғурта қилдирувчининг ёки бошқа шахснинг фуқаролик жавобгарлигини юзага келиши бўлиб, у Суғурта қилдирувчининг суғурта товонини амалга ошириш мажбуриятини келтириб чиқаради;

суғурта пули – пул маблағлари суммаси бўлиб, Суғурталовчи суғурта ҳодисаси содир бўлганда етказилган зарарнинг ўрнини мазкур сумма доирасида жабрланувчига (унинг меросхўрига ёки ҳуқуқий ворисига) қоплаш мажбуриятини зиммасига олади;

суғурта мукофоти – Суғурта қилдирувчи Е-полисни сотиб олиш учун Суғурталовчига тўлаши шарт бўлган пул маблағлари суммаси;

суғурта товони – Суғурталовчи Е-полисга мувофиқ суғурта ҳодисаси содир бўлганда жабрланувчининг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш ҳисобига суғурта пули доирасида тўлаши шарт бўлган пул маблағлари суммаси;

ягона ахборот тизими – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идораларнинг ахборот тизимлари ва марказий маълумотлар базалари, жисмоний ва юридик шахслар марказий маълумотлар базалари билан интеграциялашган, мажбурий суғурта қилиш бўйича онлайн тартибида фаолият юритувчи ягона ахборот тизими;

транспорт воситаси эгасининг яқин қариндошлари – транспорт воситаси эгасининг транспорт воситасидан фойдаланиш ва уни бошқариш учун нотариал тасдиқланадиган

ишончнома расмийлаштирилиши талаб қилинмайдиган яқин қариндошлари (**ота-она, эр (хотин), болалар, ака-укалар, опа-сингиллар**);

расмий веб-сайт ва мобил иловадан фойдаланиш – Суғурта қилдирувчининг ундан фойдаланишга қаратилган ҳар қандай ҳаракати.

2. Офертанинг амал қилиш ҳудуди – Ўзбекистон Республикаси.

3. Хорижий давлатларда рўйхатдан ўтказилган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида вақтинчалик фойдаланилаётган транспорт воситаларининг эгалари мазкур оферта тарафи бўлиши мумкин эмас.

4. Расмий веб-сайт ва мобил иловадан фойдаланишда даставвал, Суғурта қилдирувчи ушбу оферта шартлари билан тўлиқ танишиб чиқиши лозим. Агар Суғурта қилдирувчи оферта шартларига ёки унинг баъзи қисмларига рози бўлмаса, у ҳолда расмий веб-сайт ёки мобил иловадан фойдаланишни тўхтатиши лозим. Суғурта қилдирувчининг расмий веб-сайт ёки мобил иловадан фойдаланишни давом эттириши ушбу оферта шартларига тўлиқ ва сўзсиз рози эканлигини билдиради.

II. Е-полисни расмийлаштириш

5. Е-полисни расмийлаштириш Суғурталовчи расмий веб-сайтнинг мажбурий суғурта учун назарда тутилган қисми ёки унинг мобил иловаси, телеграм-бот ва/ёки электрон тўлов тизими орқали амалга оширилади.

6. Е-полисни расмийлаштитриш учун Суғурта қилдирувчи ҳар бир транспорт воситаси бўйича Е-полисни расмийлаштитриш тўғрисидаги электрон аризага қуйидаги маълумотларни киритади:

Суғурта қилдирувчининг ва/ёки транспорт воситасини бошқаришга ваколат берилган жисмоний шахсларнинг (транспорт воситасини бошқаришга фақат муайян шахсларга рухсат берилиши шарти билан Е-полис расмийлаштирилган тақдирда) шахсий идентификация рақами ва шахсини тасдиқловчи ҳужжатнинг серияси, рақами;

солиқ тўловчининг идентификация рақами (юридик шахс учун);

транспорт воситаси эгасининг шахсий идентификация рақами ва шахсини тасдиқловчи ҳужжатнинг серияси ва рақами (агар транспорт воситаси мулкдори бошқа жисмоний шахс бўлса);

электрон почта манзили (мавжуд бўлса);

мобил телефон рақами;

Е-полис расмийлаштирилаётган транспорт воситасининг давлат рақами белгиси ва рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг серияси ва рақами;

агар Суғурта қилдирувчи қонун ҳужжатларига асосан суғурта мукофоти бўйича сийлов олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар тоифасига кирса, мажбурий суғурта бўйича сийловлар мавжудлиги тўғрисида белги қўйиб, юқоридаги тоифага тегишлилигини тасдиқловчи ҳужжатларнинг (гувоҳнома, маълумотнома) тегишли рақамлари;

транспорт воситаси эгасининг ихтиёри билан мазкур транспорт воситасидан фойдаланиш ва уни бошқаришга қўйилган яқин қариндошларининг (ота, она, эр (хотин), ўғил, қиз, ака, ука, опа, сингил) қариндошлик даражасини тасдиқловчи ҳужжатларнинг тегишли рақамлари;

транспорт воситасининг рўйхатдан ўтган жойи;

суғурта муддати (1 йил, 6 ой ёки ундан ортиқ (ТВдан мавсумий фойдаланишда), 10 кун ёки ундан ортиқ (рўйхатдан ўтиш жойигача));

Е-полис расмийлаштирилганлиги тўғрисидаги хабарномани юбориш шакли (телефон рақам ёки электрон почта манзили ёки Суғурталовчи веб-сайтида (мобил иловаси орқали) очилган шахсий кабинети орқали).

Бунда тегишли маълумотлар ягона ахборот тизимида мавжуд бўлганда автоматик тарзда тўлдирилади.

7. Электрон ариза тўлдирилаётган вақтда Ягона ахборот тизими қисман ёки тўлиқ ишламаганда, яъни давлат ахборот базалари қисман ишламаган ва/ёки улар билан алоқа узилган тақдирда, Суғурта қилдирувчи аризадаги қолган маълумотларни қўлда киритади ёки ҳужжатларни илова қилади.

8. Электрон ариза тўлиқ тўлдирилгандан сўнг Суғурта қилдирувчи томонидан юбориш тугмаси босилади.

9. Электрон аризада юборилган маълумотлар Суғурталовчининг масъул ходимлари томонидан бир иш куни ичида уларнинг тўлиқлиги ва тўғрилиги текширилиб, Суғурта қилдирувчига суғурта мукофотини тўлаши мумкинлиги ёки маълумотларни қайта тўғриланиши тўғрисида хабарнома юборилади. Агар Суғурта қилдирувчи томонидан ариза берилган санадан бошлаб 24 соат ичида маълумотлар қайта текширилмаса ва/ёки тўғриланмаса, унда суғурта ташкилоти Е-полисни расмийлаштириш, қайта расмийлаштириш ва бекор қилиш имконияти йўқлиги тўғрисида ўзининг Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ресурси ёки SMS-хабар орқали Суғурта қилдирувчини хабардор қилади.

10. Суғурта қилдирувчи суғурта мукофотини тўлаши мумкинлиги тўғрисидаги хабарномани олгандан сўнг 24 соат ичида суғурта мукофотини электрон тўлов тизимлари орқали, нақд пулда, пул ўтказиш йўли билан (юримдик шахслар) тўлаши лозим.

Суғурта мукофоти Е-полисда назарда тутилган тўловдан камроқ миқдорда тўланган бўлса, суғурта ташкилоти суғурта мукофотининг тўланмаган қисми, Суғурта қилдирувчи томонидан 72 соат ичида тўланиши зарурлиги тўғрисида дарҳол хабарнома юборади.

11. Суғурта мукофоти тўланганлиги факти ушбу Оферта Суғурта қилдирувчи томонидан акцепт қилинганлигини англатади.

12. Е-полис Суғурта қилдирувчи томонидан Суғурта мукофоти тўланган пайтдан (*изоҳ: бошқа муддат белгиланиши ҳам мумкин*) эътиборан кучга киради. Агар Е-полисда суғурта амал қилиши бошланишининг бошқача муддати назарда тутилмаган бўлса, мажбурий суғурта электрон шартномаси кучга кирганидан кейин юз берган суғурта ҳодисаларига нисбатан татбиқ этилади.

13. Суғурта мукофоти тўлиқ миқдорда тўлангандан кейин Е-полис расмийлаштирилганлиги тўғрисидаги хабарнома Суғурта қилдирувчи томонидан танланган шаклда юборилади ва у қуйидагиларни ўз ичига олади:

- суғурта ташкилотининг номи;
- транспорт воситасининг русуми ва давлат рақами белгиси;
- суғурта мукофоти миқдори;
- Е-полиснинг амал қилиш муддати;
- Е-полиснинг ноёб рақами;
- Ягона ахборот тизимида ҳавола.

14. Суғурта қилдирувчи Ягона ахборот тизимида ҳавола орқали ўтиб, Е-полисни юклаб олиши мумкин.

ДИҚҚАТ!

15. СУҒУРТА ҚИЛДИРУВЧИ ЎЗИ ТОМОНИДАН ЭЛЕКТРОН ПОЛИСНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ УЧУН СУҒУРТАЛОВЧИГА ТАҚДИМ ЭТИЛАЁТГАН МАЪЛУМОТЛАР ВА ҲУЖЖАТЛАРНИНГ ҲАҚИҚИЙЛИГИ УЧУН ЖАВОБГАР ҲИСОБЛАНАДИ.

III. Тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

16. Суғурта қилдирувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Суғурталовчидан Е-полис тўғрисида тушунтириш беришни талаб қилиш;
расмий веб-сайт ва мобил иловадан исталган пайтда фойдаланишни тўхтатиш;
мажбурий суғуртани амалга оширувчи Суғурталовчини танлаш.

Суғурта қилдирувчи:

белгиланган тартибда ва муддатда Е-полис бўйича ўзига юклатилган мажбуриятни бажариши;

Е-полис бўйича суғурта мукофотини белгиланган шартлар асосида ва тартибда тўлаши шарт.

17. Суғурталовчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

жабрланувчининг (унинг меросхўрлари ёки ҳуқуқий ворисларининг) аризасини кўриб чиқишда тегишли экспертларни жалб этиш;

Суғурта қилдирувчи томонидан тақдим этилган ахборотларни текшириш, суғурта шартномаси талаблари ва шартларининг бажарилишини назорат қилиш;

суғурта ҳодисалари юз беришини олдини олиш бўйича тавсиялар бериш;

қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда тўланган суғурта товонини регресс тартибида тўлаб берилишини талаб қилиш.

Суғурталовчи:

Суғурта қилдирувчига ўз интернет-ресурсидан туну кун тўсиқларсиз фойдалана олиш имкониятини яратиши;

Суғурта қилдирувчининг ва (ёки) жабрланувчининг суғурта тўлови ва (ёки) товонини тўлаб беришни сўраб қилган мурожаатини кўриб чиқиши;

ўз фаолиятини амалга ошириш чоғида олинган Суғурта қилдирувчи ва жабрланувчи тўғрисидаги маълумотларнинг ошкор қилинмаслигини таъминлаши шарт.

18. Расмий веб-сайт ёки иловадан фойдаланиш имконияти фақатгина Интернет жаҳон ахборот тармоғига кириш имкони бўлгандагина амалга оширилади. Шу сабабли, Суғурта қилдирувчи Интернетга белгиланган тартибда уланиш чораларини мустақил равишда кўриши лозим.

19. Суғурталовчи қуйидаги зарарлар учун жавобгар эмас:

Суғурта қилдирувчининг расмий веб-сайт ва мобил иловадан фойдаланиш билан боғлиқ зарарлари учун;

расмий веб-сайт ва мобил иловадаги маълумотлар Суғурта қилдирувчи томонидан учинчи шахларга берилиши оқибатлари учун;

Суғурталовчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра, расмий веб-сайт ва мобил иловадан фойдалана олмаганлиги ва хизматлар кўрсатилмаганлиги учун.

20. Жабрланувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

суғурта тўловини ва (ёки) суғурта товонини тўлаб беришни сўраб Суғурталовчига мурожаат қилиш;

Суғурталовчининг суғурта тўловини ва (ёки) суғурта товонини тўлашни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиш;

қонун ҳужжатларида белгиланган шартлар асосида ва тартибда суғурта тўловини ва (ёки) суғурта товонини олиш.

IV. Е-полисни ўзгартириш ва муддатидан илгари тугатиш

21. Е-полис амал қиладиган даврда Суғурта қилдирувчи Суғурталовчига Е-полис расмийлаштириш тўғрисидаги аризада кўрсатилган маълумотлардаги ўзгаришлар ҳақида зудлик билан хабар қилиши шарт.

Е-полисни расмийлаштиришда тақдим этилган маълумотлардаги ўзгаришлар тўғрисида ахборот олинганда Суғурталовчи Е-полисга тегишли ўзгартиришлар киритади. Бунда Суғурталовчи тегишли ўзгартиришлар киритилган Е-полисни Суғурта қилдирувчига белгиланган усулда юборади.

22. Е-полисни амал қилиш муддати қуйидаги ҳолларда муддатидан илгари тугатилади:

транспорт воситасидан фойдаланиш белгиланган тартибда тақиқланганда;

Е-полисда кўрсатилган транспорт воситаси бундан буён фойдаланиш учун яроқсиз бўлиб қолганда;

транспорт воситасининг мулкдори ўзгарганда.

23. Е-полиснинг амал қилиши муддатидан илгари тугатилган тақдирда, суғурта мукофотининг бир қисми тўланган товон суммасига ва Е-полис амал қилишининг тугамаган давридаги кунлар сонига мутаносиб равишда қайтарилади.

24. Суғурта қилдирувчига (унинг қонуний вакиллари, меросхўрларига, ҳуқуқий ворисларига) суғурта мукофотининг бир қисмини қайтариш Суғурта қилдирувчи (унинг қонуний вакиллари, меросхўрлари, ҳуқуқий ворислари) белгиланган тартибда мурожаат қилган кундан эътиборан 14 календарь кун ичида амалга оширилади.

Бунда Суғурта қилдирувчига қайтарилиши лозим бўлган суғурта мукофотининг бир қисми Суғурта қилдирувчининг аризасига мувофиқ янги расмийлаштирилган Е-полис бўйича суғурта мукофоти ҳисобига ўтказилиши мумкин.

V. Суғурта ҳодисаси юз берганида шахсларнинг ҳаракатлари

25. Жабрланувчиларга зарар етказилишига олиб келган йўл-транспорт ҳодисаси (ЙТХ) иштирокчиси бўлган Суғурта қилдирувчи (фуқаролик жавобгарлиги Е-полисга мувофиқ суғурталанган бошқа шахс) жабрланувчи(лар)нинг талабига кўра унга (уларга) ТВЭФЖМСҚ бўйича Е-полиси тўғрисида маълумот бериши керак.

26. Суғурта қилдирувчи суғурта ҳодисаси юз берганида қуйидагиларни амалга ошириши керак:

жабрланувчига ЙТХ кунидан эътиборан уч календарь куни ичида суғурта полисининг нусхасини топшириши;

дарҳол, аммо ЙТХ дан кейин 72 соатдан кечиктирмай, Суғурталовчига содир бўлган ҳодиса ҳақида суғурта полисининг нусхасини илова қилган ҳолда мурожаат қилиши;

Суғурталовчига суғурта ҳодисаси муносабати билан ўзига нисбатан қўйилаётган барча талаблар ҳақида хабардор қилиши.

VI. Суғурта тўлови ва (ёки) суғурта товонини тўлаш

27. Е-полис бўйича жабрланувчи ёки Суғурта қилдирувчи (суғурта ҳодисасини тўғридан-тўғри ҳал этиш ҳолларида) суғурта тўловлари амалга оширилиши учун суғурта ҳодисаси юз

берганлиги тўғрисида билдиришномани, етказилган зарар миқдорининг тавсифини, Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 июндаги 141-сон қарори билан тасдиқланган Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш Қоидаларида белгиланган ҳужжатларнинг электрон ёки сканерланган нусхаларини жабрланувчини суғурта қилган Суғурталовчининг Интернет ресурсига (суғурта ҳодисасини тўғридан-тўғри ҳал этиш ҳолларида) ёки Суғурта қилдирувчини суғурта қилган суғурта ташкилотининг Интернет ресурсига юборишга ҳақли.

28. Агар суғурта ҳодисаси юз берганлигини ва Суғурта қилдирувчи томонидан етказилган зарар миқдорини тасдиқловчи ҳужжатлар етарли бўлмаса, у ҳолда Суғурталовчи бу тўғрисида ушбу ҳужжатлар олинган кундан эътиборан уч иш куни ичида, етишмаётган ва (ёки) нотўғри расмийлаштирилган ҳужжатларнинг тўлиқ рўйхатини кўрсатган ҳолда жабрланувчи ёки Суғурта қилдирувчининг электрон почта манзилига (агар мавжуд бўлса) ва (ёки) кўрсатилган телефон рақамига SMS-хабар орқали маълумот юбориши керак.

29. Тақдим этилган ҳужжатларнинг тўлиқ рўйхати ва қабул қилинган санаси тўғрисидаги электрон маълумотнома ариза берувчига, у кўрсатган электрон почта манзилига (агар мавжуд бўлса) юборилади ва (ёки) ариза берувчининг Интернет жаҳон ахборот тармоғи ресурсидаги шахсий кабинетига кўрсатилади.

VII. Суғурта суммаси, суғурта мукофоти, суғурта тўлови ва (ёки) товони миқдори

30. ТВЭФЖМСҚ бўйича суғурта суммаси 40 000 000 (қирқ миллион) сўмни ташкил этади. Шундан:

- жабрланувчининг мол-мулкига зарар етказилганда суғурта тўлови суғурта суммасининг 35 фоизи – 14 000 000 (ўн тўрт миллион) сўм;

- жабрланувчининг ҳаёти ёки соғлиғига зарар етказилганда суғурта товонининг миқдори суғурта пулининг 65 фоизи – 26 000 000 (йигирма олти миллион) сўм.

31. Суғурта қилдирувчи томонидан ТВЭФЖМСҚ бўйича тўланадиган суғурта мукофоти миқдори 1 (бир)* йил муддат учун қуйидаги кўринишда:

ТВ тури	Худуд			
	Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти**		Бошқа вилоятлар**	
	Чекланган*** (сўмда)	Чекланмаган**** (сўмда)	Чекланган*** (сўмда)	Чекланмаган** ** (сўмда)
Енгил	56 000	168 000	40 000	120 000
Юк	67 200	201 600	48 000	144 000
Автобуслар ва микроавтобуслар	67 200	201 600	48 000	144 000
Трамвайлар, мотоцикилар ва мотороллёрлар, тракторлар, ўзиюрар йўл-қурилиш машиналари ва бошқа машиналар	22 400	67 200	16 000	48 000

** Электрон аризада суғурта муддати 6 ой ёки рўйхатдан ўтказиш жойигача катакчалари танланганда суғурта мукофоти жадалда кўрсатилган суммага нисбатан камроқ миқдорда электрон аризани тўлдириш жараёнида Суғурта қилдирувчига маълум қилинади.*

*** ТВ рўйхатдан ўтган ҳудуд.*

**** ТВ дан ҳайдовчилар сони чекланган ҳолда фойдаланиш шarti билан расмийлаштирилганда.*

***** ТВ дан ҳайдовчилар сони чекланмаган ҳолда фойдаланиш шarti билан расмийлаштирилганда.*

32. Суғурта қилдирувчи томонидан тўланиши лозим бўлган суғурта мукофотининг миқдори Е-полисни расмийлаштириш тўғрисидаги электрон аризага киритилган маълумотларга мувофиқ, шунингдек сийлов ҳуқуқини ҳисобга олган ҳолда аниқланади.

VIII. Шахсга доир маълумотларни қайта ишлаш шартлари

33. Суғурта қилдирувчи томонидан Е-полисни расмийлаштириш тўғрисидаги электрон аризага маълумотлар киритилиши ўзининг шахсга доир маълумотларини қайта ишлашга (йиғиш, ёзиш, тизимлаш, сақлаш, фойдаланиш ва бекор қилишга) розилиги деб ҳисобланади.

34. Суғурталовчи томонидан суғурта шартномаси бўйича мажбуриятларни амалга ошириш мақсадида шахсга доир маълумотларни қайта ишлаш 2019 йил 2 июлда имзоланган «Шахсга доир маълумотлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ амалга оширилади.

IX. Яқунловчи қоидалар

35. Ушбу оферта талабларини бузганликда айбдор бўлган шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

36. Ушбу офертада назарда тутилган ёки у билан боғлиқ масалалар бўйича тарафлар ўртасида келишмовчиликлар юзага келган тақдирда, тарафлар келишмовчиликни судгача ҳал этиш чораларини кўриши лозим.

37. Низони судгача ҳал этиш имкони бўлмаса, улар Суғурталовчи жойлашган ердаги тегишли судда Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал қилиниши лозим.

38. Ушбу офертада назарда тутилмаган ҳолатлар бўйича юзага келган низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.